

**Bekzodbek M. MUXTAROV,**  
*Chair of the department of Center for advanced  
training under the International Islamic Academy of  
Uzbekistan, PhD in historical sciences*  
*A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan*  
*E-mail: abdulbosit.2014@mail.ru*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-3/12

## **НОСИРУДДИН САМАРҚАНДИЙНИНГ ҲАНАФИЙ ФИҚХИГА ОИД ИЛМИЙ МЕРОСИ ТАҲЛИЛИ**

### **ANALYSIS OF THE SCIENTIFIC HERITAGE OF NASIRUDDIN SAMARQANDI ON HANAFI FIQH**

### **АНАЛИЗ НАУЧНОГО НАСЛЕДИЯ НАСИРУДДИНА САМАРҚАНДИ ПО ҲАНАФИТСКОМУ ФИҚХУ**

#### **КИРИШ**

Носируддин Самарқандийнинг фиқҳ илми ривожидаги хизматлари кўп шогирдлар тарбия қилиб, уларга ҳанафий фиқҳидан таълим бергани, олимнинг шогирдлари устозининг асарларига шарҳ ёзиш билан бир қаторда, ўз даври учун фиқҳ илмининг долзарб масалаларида китоб таълиф этиб, Мовароуннаҳр фиқҳ илми ривожига улкан хисса қўшгани билан ҳам белгиланади. Шунингдек, Самарқандий қаламига мансуб 20га яқин асарлар соҳаси ва мавзунинг серқирралиги билан Мовароуннаҳр ислом илмлари ривожига ўзига хос ўрин эгаллаган.

Носируддин Самарқандий илмий мероси мазмун ва мавзу жихатидан хилма-хил бўлиб, олим Қуръон илмлари, калом, фиқҳ, тасаввуф, одоб-ахлоқ, тарих ҳамда луғат илмига оид жами – 17 та асар ёзган. Улардан 11 таси ҳанафий фиқҳига оид асарлар саналади. Олимнинг илмий мероси бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Бу жихат замонавий фиқҳий асарларда Носируддин Самарқандий асарларидан кенг истифода этилаётганида намоён бўлади. Мазкур асарларда баён этилган масалалар замонавий ижтимоий ва ахлоқий муаммоларни ҳал этишда мухим аҳамият касб этади.

#### **АСОСИЙ ҚИСМ**

Носируддин Самарқандий илмий мероси нинг асосий қисмини фиқҳ илмига оид асарлари

ташкил этиб, бу асарлар Мовароуннаҳр фикҳ илми ривожида мухим аҳамият касб этади. Олимнинг фиқҳий асарлари жумласига куйидаги асарларни киради:

“Ал-Қонун” – (القانون) асари. Бу асарнинг қўлёзма нусхалари ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Самарқандийнинг шундай номдаги асари ҳақида табакот асарларида маълумотлар сақланиб қолган (Носируддин Самарқандий, 2000:24).

“Ал-Маншур” – (المنشور) асари. Маҳмуд ибн Сулаймон Кафавий ўзининг ёзишмаларида ушбу асардан баъзи бир фиқҳий масалаларни олганини айтиб ўтган (Mahmud Kafavyi: 183<sup>a</sup>).

“ал-Мабсут” – (المبسوط) асари. Ҳанафий уламоларнинг кўпчилиги “Мабсут” деб номланган китоб ёзишган. Жумладан, Имом Абу Юсуф, Имом Мухаммад Шайбоний, Имом Сарахсий кабилар. Шунингдек, Самарқандийнинг ҳам шу номда асар ёзгани ҳақида тарихий манбаларда қайд этилган (Noji Xalifa, 1941:1580).

“Китоб ал-Вофи” – (كتاب الباقي) асари. Абул Баракот Насафий (ваф.1310) “ал-Фиқҳ ан-нофе” асарига ёзган шарҳида “ал-Вофи” асари – Самарқандийнинг фиқҳ илмига оид китобларидан бири”, – деган.

“Хулоса ал-муфтий” – (خلاصة المفتى) асари. Бу асар ҳам Самарқандийга нисбат берилган (Abdulhay Laknaviy, 1906:219–220).

“Жоме ал-фатово” – (جامع الفتاوى) асари. “Фатволар тўплами” ёки “ал-Жоме ал-кабир фи ал-фатово” – (الجامع الكبير في الفتاوى) асари (Noji Xalifa, 1941:565). Бу асар 1154 йилда ёзилган. Унинг бизга маълум қўлёзма нусхаси Шайх Абдулҳамид томонидан (ваф. 1475) қайта жамланган бўлиб, Саудия Арабистони, Ар-Риёз шаҳридаги Қирол Сауд университети кутубхонасида №. 1827 рақам билан сақланади (Носируддин Самарқандий: 1а). Ушбу қўлёзма Мухаммад ибн Ҳамза Қозий томонидан 1738 йил Сафар ойининг бешинччи кунида ёзиб тутатилган. Қўлёзма жуда яхши ҳолда сақланган. Манба 95 варакдан иборат бўлиб, ҳар бир сахифасида 33 сатр (қатор)дан иборат ёзувлари мавжуд. Асар араб тилида, насх хатида, кора ва кизил рангларда ёзилган. Боб ва фасл мавзулари қизил рангдаги ёзув билан ажратилган. Манба жадвалга олинган.

**Аннотация.** Мовароуннахр фикҳ тарихининг классик даври ҳисобланган XI–XII асрларда ҳанафий фикҳининг усул ва фуру илмига оид 50 га яқин машҳур асарлар яратилган. Уибу асарлар 10 дан ортиқ жсанр ва услубларда ёзилган бўлиб, унинг натижасида XI–XII асрларда ёзилган фикҳий манбалар методологияси кейинги даврдаги асарлар ёзилишига асос бўлиб хизмат қилди. Жумладан, фуру ал-фикҳ илмига оид: Абул Ҳусайн Қудурийнинг “Мухтасар ал-Қудурий”, Абу Лайс Самарқандийнинг “Хизонат ал-Фикҳ”, Имом Сарахсийнинг “ал-Мабсүт”, Алоуддин Самарқандийнинг “Тұхфат ал-Фуқаҳо”, Алоуддин Косонийнинг “Бадое ас-саное фи тартиб ашишарое”, Бурхониддин Марғинонийнинг “Бидоят ал-Мубтадий” ва “ал-Хидоя шарҳ ал-бидаят ал-Мубтади” ҳамда Насируддин Самарқандийнинг “ал-Фикҳ ан-Нофе” каби мўътабар матнлар ҳам мазкур даврда таълиф этилган. Шу билан бир қатордa, фикҳ илмининг усул ва фуру илмларидан келиб чиқкан хилоф ва жсадал илм соҳаларига айни шу асрда асос солинган. Мазкур даврда фикҳ илмининг адаб ал-қазо, хиял, фараиз, шурут ва боиша соҳаларида ҳам асарлар юзага келган. Айниқса, мазкур даврда энг кўп китоблар фатво йўналишида ёзилган.

Насируддин Самарқандий ҳам айни шундай илмий муҳитда яшаб, Самарқандда илмий фаолият олиб борган. Манбаларда олимнинг 1161 йилда Самарқандда вафот этигани көлтирилган. Самарқандий 1141-1148 йиллар мобайнида Марв, Макка, Мадина ва Багдод шаҳарларига сафар қилиб, у ердаги етук олимлардан илм ўрганган. 1148 йилда Самарқандга қайтиб, 1161 йилга қадар шу ерда яшаб, шогирдларга дарс берииш ва китоб таълиф этиши билан машғул бўлган.

Уибу мақолада ҳанафий фақиҳларидан бири – Насируддин Самарқандийнинг фикҳ илмига доир асарлари таснифи ва уларнинг мазмун ва йўналишилари илмий-қиёсий таҳлил этилган.

**Калим сўзлар:** Самарқандий, Мовароуннахр, илм, ислом илмлари, ҳуқуқ, тараққиёт, марказ.

**Abstract.** In the eleventh-twelfth century, which is considered the classic period of jurisprudence in Mawarannahr, about 50 famous works on the usul and furu' science of Hanafi jurisprudence were created. These works were written in more than 10 genres, as a result of which the methodology of fiqh sources written in the XI-XII centuries served as the basis for the writing of the works of the next period. For example, on the science of furu' al-fiqh: "Mukhtasar al-Quduri" by Abul Husayn Quduri, "Khizanat al-Fiqh" by Abu Laith Samarkandi, "al-Mabsut" by Imam Sarakhs, "Tuhfat al-Fuqaha" by Alauddin Samarkandi, "Badai as-Sanai fi Tartib ash-Sharai" by Alauddin Kasani, "Bidayat al-Mubtadi" and "al-Hidaya" by Burhanuddin Marghinani, and "al-Fiqh an-Nafi'" by Nasiruddin Samarkandi were also written during this period. In addition, the fields of khilaf and jadal science, which originated from the usul and furu' sciences of jurisprudence, were founded in the same century. During this period, works were created in the fields of adab al-qada, hiyaal, faraid, shurut, and other fields of jurisprudence. Especially in this period, most books were written in the direction of fatwa.

Nasiruddin Samarkandi also lived in such a scientific environment and carried out scientific activities in Samarkand. The sources state that the scholar died in Samarkand in 1161. During the years 1141-1148, Samarkandi traveled to the cities of Merv, Mecca, Medina, and Baghdad, and learned knowledge from the mature scholars there. He returned to Samarkand in 1148 and lived there until 1161, teaching students and writing books.

In this article, the classification of one of the Hanafi jurisprudents - Nasiruddin Samarkandi's works on the science of fiqh, their contents, and directions are scientifically and comparatively analyzed.

**Keywords:** Samarkandi, Mawarannahr, science, Islamic sciences, law, development, center.

**Аннотация.** В XI-XII вв., который считается классическим периодом фикха в Мавераннахре, было создано около 50 известных трудов по науке усул и фуру ханафитского правоведения. Эти произведения были написаны более чем в 10 жанрах и стилях, в результате чего методология источников по фикху, написанных в XI-XII веках, послужила основой для написания произведений следующего периода. Например, по науке фуру' ал-фикх: "Мухтасар ал-Қудури" Абул Ҳусейна Қудури, "Хизонат ал-Фикҳ" Абу Лайса Самарқанди, "ал-Мабсүт" имама Сарахси, "Тұхфат ал-Фуқаҳо" Алайддина Самарқанди, "Бадо" Алайддина Косани, асаноэ фи тартиб ашишарое, "Бидаят ал-Мубтади" и "Ал-Хидайя шарҳ ал-бидаят ал-Мубтади" Бурхониддина Марғинани и "Ал-Фикҳ ан-Нофе" Насируддина Самарқанди также были написаны в этот период. Кроме того, в том же столетии были основаны области науки хилраф и джадал, которые произошли от наук юриспруденции усул и фуру'. В этот период были созданы работы в области адаб ал-қаза, хиял, фараиз, шурут и других областях юриспруденции. Особенно много книг в этот период было написано в направлении фетвы.

Насируддин Самарқанди также жил в такой научной среде и вел научную деятельность в Самарқанде. В источниках говорится, что учёный умер в Самарқанде 1116 году. В 1141-1148 годах Самарқанди путешествовал по городам Мерв, Мекка, Медине и Багдад и там черпал знания у зреальных учёных. Он вернулся в Самарқанд в 1148 году и жил там до 1161 года, обучая учеников и издавая книги.

В данной статье научно и сравнительно анализируется классификация трудов одного из ханафитских правоведов – Насируддина Самарқанди по науке фикха, их содержание и направления.

**Ключевые слова:** Самарқанди, Мавераннахр, наука, исламские науки, фикх, развитие, центр.

Манбанинг охир қуидаги жумла билан якунланади:

ثُمَّ الْكِتَابَ بِعَوْنَ اللَّهِ الْمَلِكِ الْوَهَابِ. الْحَمْدُ لِلَّهِ عَلَيْهِ الْأَعْمَالُ، وَالصَّلَاةُ عَلَى رَسُولِهِ أَفْضَلِ الْأَئْمَاءِ عَلَيْهِ السَّلَامُ. قَدْ وَقَعَ الْفَرَاغُ مِنْ تَحْرِيرِ هَذَا الْكِتَابِ الْمُسْمَى بِجَمَاعَ الْفَتاوَى عَلَى يَدِ الْعَدِ الْضَّعِيفِ الْمُخَاجِ مُحَمَّدِ بْنِ حَمْزَةِ الْقَاضِيِّ فِي وَقْتِ الظَّهَرِ فِي الْيَوْمِ الْخَامِسِ فِي صَفَرِ سَنَةِ 1611

(Маъноси: Молик, ваххоб бўлган Аллоҳ таолонинг ёрдами билан ушбу китоб ниҳоясига етди. Аллоҳ таоло тамоми ҳамд ва Пайғамбарларнинг энг афзали Унинг Расулига салавотлар бўлсин. Заиф банда Мухаммад ибн Ҳамза ал-Қозийнинг қўли ушбу “Жоме ал-фатово” деб номланувчи китобни ҳижрий 1161 йил Сафар ойининг бешинчи куни Пешин вақтида ёзиб тугаллади).

### МУХОКАМА

Манбанинг дастлабки сахифаларида асарнинг қисқача мундарижаси берилган бўлиб, у рақамланган 90 та китоб (бўлим), фасл ва турли хил масалалардан иборат.

Асар фикҳий асарларда учрайдиган боб ва фаслларнинг мавзуларига ўхшаш номлар асосида бўлинган. Яъни, фуру ал-фикҳ мавзулари каби бу асар ҳам “Китоб ат-таҳорат” (كتاب) – “الطهارة” – “Поклик бўлими”) билан бошланиб, “ал-Масоил ал-мутафарриқ” (المسائل المتفرقة) – “Хар хил масалалар”) мавзуси билан якунланади. Фуру ал-фикҳ илмига оид китоблардан фарқли равишда, бу асарда фатво китобларига хос услугда фақат мавзуга доир уламоларнинг ҳукмлари санаб ўтилади. Уларнинг далиллари келтирилмайди.

Асар мазмунан бой бўлиб, ўзида ибодат, мумомалот ва жиноят бўлимларига оид мавзуларни жамлаган. Ибодат қисмида: “Таҳорат”, “Намоз”, “Закот”, “Рӯза” ва “Ҳаж” масалаларига доир фатволар келтириб ўтилади. Мумомалот бўлимида: “Никоҳ”, “Талок”, “Савдо” ва у билан алоқадор масалаларга доир ҳукмлар бирма-бир айтилган. Жиноятлар қисми эса, жиноятлар, ўлжалар, топиб олинган нарсалар, гунохи кабиралар, қозининг одоблари, гувоҳлик, даъво қилиш масалалари, макрух амаллар ва турли масалаларни ўз ичига олади. “Китоб ал-Мултақат” (كتاب المُنْتَطَقُ) – “Сараланган фатволар китоби”) ёки “ал-Мултақат фи фатово ал-ҳанафия” (المُنْتَطَقُ فِي فَتاوَى الْخَانَفِيَّةِ) – “Сараланган ҳанафий фатволари”) асари (Abulfido

Suduniy, 1992:338). Бу асар Самарқандийнинг “Жоме ал-фатово” асаридан саралаб олинган фатволарнинг мухтасар тўплами бўлиб, 549/1154 йилда тасниф этилган. Асар ҳанафий фикҳига оид фатво тўпламлари орасида энг қадимий ва мумтоз манбалардан бўлиб, олимлар орасида кенг тарқалган ва машҳурликка эришган. Буни асардан кўплаб олимлар фойдалангани, изоҳлар битилгани ва бу асар кўп уламолар томонидан эътироф этилганидан билиш мумкин. Шунингдек, ҳозирда мазкур асар қўлёзма нусхалари дунёнинг турли кутубхоналарида ноёб манба сифатида сақланади.

Тадқиқотчи М.Атаевнинг Шайх Маждууддин Уструшанийнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишиланган мақоласида Носируддин Самарқандийнинг фикҳ илмига оид “ал-Мултақат фи ал-фатово” асари ҳакида тўхталиб, Маждууддин Уструшаний уни 1207 йилда Уструшанада тарқоқ мавзуларини тартиби келтириб, изоҳ ёзиши бошлагани ва 616/1219 йилда Самарқандда тугатгани қайд этилади (Muslim Ataev, 2017). А.Маллабоев эса, ўз мақоласида Носируддин Самарқандийнинг ҳаёти ва фикҳ илмига оид асарлари, бугунги кунда уларни ўрганишнинг зарурати борасида сўз юритади. Тадқиқотчи олимнинг “ал-Мултақат фи ал-фатово” асарига Шайх Маждууддин Уструшаний томонидан ёзилган тажниснинг Ўзбекистон ҳалқаро ислом академияси Манбалар хазинасидаги №.283 рақам остида сақланаётган қўлёзмасининг манбашунослик таҳлилини амалга оширган (A.Mallaboyev, 2019:38–41).

Шунингдек, “ал-Мултақат” асарининг қўлёзма нусхалари дунё кутубхона фондларида сақланмоқда. Жумладан, асарнинг иккита қўлёзмаси Туркияниң Истанбул шаҳридаги “Домадзода” кутубхонасида №.1056-1057 рақам остида сақланади. Асарнинг замонавий нашри Сайид Юсуф Аҳмад томонидан олиб борилгани тадқиқот асосида 2000 йилда нашр этилган. Бугунги кунда баъзи адашган тоифалар томонидан қабрларни зиёрат қилиш ва қабр ахлига Куръон тиловат қилишдан қайтариш ҳолатлари учрамоқда. Улар бундай амалларни бидъат санаб, мархумга зиёрат ва тиловат савоби етмаслигини таъкидлайдилар. Ушбу масалада Носируддин Самарқандий ўзининг “ал-Мултақат” асарида тўхталиб ўтган. Унда олим: “Қабрларни зиёрат қилиш жоиз. Ҳар хафта бир маротаба қабрлар уларга дуои хайрни мақсад қилган

холда зиёрат қилинади. Қабристонга кирганда қабр ахлига салом берилади. Уларнинг хаққига Аллоҳдан яхшилик, мағфират ва раҳмат сўраб дуо қилинади”, – деб келтирган (Носируддин Самарқандий, 2000:52). Аҳли суннанинг уламолари бир овоздан қабрларни зиёрат қилишга рухсат берган. Хусусан, жума куни ёки ундан бир кун олдин, ё бир кун кейин қабрларни зиёрат қилиш борасидаги хабарлар зикр этилган. Шунингдек, қабрда ухлаш ва у ерда намоз ўқиш макруҳ саналади. Қабрга ўтириш, унинг устига чиқишдан қайтарилиган. Қабр зиёратида унинг атрофидан юриши айтилган.

Қабрга Қуръон тиловат қилиш масаласида ҳанафий уламолар макруҳ амал эмаслигини таъкидлаган (Носируддин Самарқандий, 2000: 448). Шу билан бирга, қабр зиёратида “Оятул курсий”, “Ихлос” ва “Фотиха” сураларини тиловат қилиш борасида ҳадислар ривоят қилинган. Бу эса, қабр ахлига савоб етишига ва уларга манфаат беришига далил қилинган. Мазкур масалалар бугунги кунда салафийлар томонидан ўтган аждодлар ҳамда солих инсонларнинг қабрларини зиёрат қилишдан қайтаришларига раддия бўлиб хизмат қиласди. Шунингдек, инсонлар зиёрат одоблари билиш ва қонун-қоидаларига қатъий амал қилиши кераклигини белгилаб беради. Бу эса ёш авлоднинг маънавий тарбиясида муҳим аҳамият кабс этади.

“Асьила ва ажвиба” – (أسئلة وأجوبة) – “Саволлар ва жавоблар”) асари. Юсуф Абдураҳмон Маръашлийнинг “Масодир ад-дироза ал-исломия” китобида мазкур асар Носируддин Самарқандийга тегишли экани айтилади. Шунингдек, Маръашлий китобида “Асьила ва ажвиба” номи остида асар ёзган яна 9 та олимни санаб ўтади (Yusuf Mar’ashliy, 2020:236-237).

Тарихий асарларда Носируддин Самарқандийнинг фиқҳ илмига оид “Масобих ас-субул” – (مصابيح السبل) – “Йўлни ёритувчи чироклар” номли китоби мавжудлиги ҳакида ҳам ёзилган (Abulfido Suduniy, 1992: 230).

Махмуд ибн Сулаймон Кафавий олимнинг усул ал-фиқҳ илмига оид китоби борлигини ҳам таъкидлайди. Шу билан бирга, Тош Купризоданинг “Мифтоҳ ас-саодат” (Саодат калити) асарида ҳам Самарқандийнинг усул ал-фиқҳ илмига оид китоби мавжудлиги ҳакида тўхталиниди. Аммо асарнинг номи ва қўллётмалари ҳакида аниқ маълумотларни келтириб ўтмайди.

Юқорида келтириб ўтилган асарлар сони ва мавзусидан келиб чиқиб айтиш мумкинки,

Носируддин Самарқандий Мовароуннаҳр илм-фани ривожига улкан ҳисса кўшган ўз даврининг ҳанафий фақиҳларидан бири бўлган. Лекин олимнинг илмий меросининг аксарият қисми сақланиб қолмаган. Мавжуд асарлари эса, ҳали тўлиқ илмий тадқиқ этилиб, муомалага киритилмаган. Шунга қарамасдан, биргина “ал-Мултақат” асарининг ўзи ҳанафий фиқҳида муҳим аҳамият касб этган. Асар ҳозирги кунда ҳам олимлар томонидан мумтоз манба сифатида фойдаланиб келинмоқда. Унинг замонавий нашрлари қайта-қайта нашр этилмоқда.

Носируддин Самарқандийнинг ҳанафий фиқҳига оид асосий асари – “الفقه النافع – ал-Фиқҳ ал-нофе” (Фойдали фиқҳ) китоби муаллиф ҳаётининг сўнгига ёзилган. Бу ҳакида Ҳожи Халифа шундай дейди: “ан-Нофе фи шархи муҳтасар ал-Қудурий” ёки “ан-Нофе фи ал-фуру” асари муаллифи Шайх Имом Носируддин Абулқосим Муҳаммад ибн Юсуф бўлиб, олим мазкур китобини 1160 йил робиъул аввал ойида ёзиб тутатган” (Noji Xalifa, 1941:1921–1922). Носируддин Самарқандий фуру ал-фиқҳ йўналишида ўнлаб асарлар ёзганига қарамасдан ўз шогирдларига дарс бериш жараёни улар учун фиқҳ фанидан муҳтасар ва халқчил услубда китоб таълиф этишга сабаб бўлган. Натижада олим умрининг охирида кўп йиллик тажрибаси асосида ўрганиш ва таълим бериш асосида шаклланган илмий салоҳиятини ишга солиб, “ал-Фиқҳ ал-нофе” асарини ёзган.

Олим вафотидан сўнг ушбу асар ҳанафий фиқҳи назариясидан асосий манба сифатида эътироф этилиб, бир неча асрлар мобайнида мадрасаларда дарс беришда кенг қўлланилган. Кўплаб ҳанафий олимлар томонидан асарга шарҳ ва изоҳлар битилган. Шунингдек, мазҳаб фиқҳига оид китобларни ёзишда ушбу асар асос бўлиб хизмат қиласди.

Асар 64 та китоб (бўлим), 146 та катта-кичик боб ва фасллардан иборат (9-иловага қаранг). Асар “Китоб ат-таҳорат” (Поклик бўлими)дан бошланиб, “Китоб ал-хунасо” (Хунаса ҳакида бўлим) билан якунланган. Айрим қўллётмаларда асар “Китоб ал-фароиз” (Мерос бўлими) ёки “Китоб ал-васоя” (Васиятлар бўлими) билан тамомланганини кўриш мумкин. Ҳар бир бўлим, боб ва фаслларга ундаги баён этилган мавзуни ифодаловчи ном берилган.

Асар ҳанафий уламолар наздида мўътабар манба ҳисобланган. Бу борада Абдулҳай Лакнавийнинг: “Олимнинг фиқҳ илмида

ёзилган “ан-Нофе” асари ўзи мухтасар бўлишига қарамасдан, Аллоҳ уни кўпчиликка фойдали ва манфаатли китоб қилган”, – деган эътирофини қайд этиш лозим (Abdulhay Laknaviy, 1906:219–220).

Хожи Халифа асарнинг кичик ҳажмли бўлишига қарамай, фикҳ илмида катта аҳамиятга эга эканини таъкидлаб: “У (асар) мухтасар бир китоб бўлиши билан бирга, фикҳ илмида баракали асар бўлган”, – дейди. Ибн Қутлубуғо эса: “Абулқосим ибн Юсуф Маданийнинг фикҳ илмига оид “ан-Нофе” асари бўлиб, у асар кўпчилик томонидан ўқилган ва унга шархлар битилган”, – деб китобнинг қай даражда оммалашганига ишора қилган.

Мулла Али Қорий: “Ўз замонасининг етук олимларидан бири Абул Баракот Насафий бу асарга “ал-Мустасфо”, – деб номланган шарҳ ёзгани унинг қимматли манба эканидан далолат беради”, – дея таъкидлаган. “Ал-Мустасфо” китобининг муқаддима кисмида Насафий: “ан-Нофе” китоби худди дуру гавхарлар денгизи, сирли осмон, жаннат равзалари, саодат хазиналари ва ифодали рамзлар каби жавохирларга тўла асар”, – дея таърифлайди (Hofizuddin Nasafiy, 2011:126).

Манбанинг аҳамиятини ханафий фикҳига оид машҳур фатво китобида кўп ўриниларда Самарқандийнинг ушбу асаридан фойдаланилгани, иқтибослар келтирилгани ҳам тасдиқлайди. Жумладан, “ал-Фатово ал-ҳиндия”нинг “Китоб аш-ширкат” (Шерикчилик ҳакидаги бўлум)да:

”لَا تَحُوزُ بَيْنَ الْحَرْ وَالْمُسْلُوكِ وَلَا بَيْنَ الصَّبَرِ وَالْبَالِغِ كَذَا فِي النَّافعِ“

“Хур (озод) киши билан қулнинг ўртасида ҳамда (балоғат ёшига етмаган) ёш бола билан балоғатга етган киши ўртасида шерикчилик қилиш жоиз эмас. “Ан-Нофе” китобида шундай ҳукм берилган” (Shayx Nizom, 2000: 307).

Асарнинг молиявий ибодатлардан саналган “Закот бўлими”да закотнинг турлари ва уларга тегишли шартлар белгиланган. Мазкур бўлимда қўй, эчки, корамол, тuya каби закот олинадиган ҳайвонлар қаторига Жанубий Осиё, Африка, Жанубий Европа ва Кавказ минтакаларида учрайдиган “Жомус” (ёки Буйвол, яъни буқаларнинг кенжা оиласига мансуб ҳайвон) ҳам киритилган. Носируддин Самарқандий жомуслардан олинадиган закот миқдори худди корамоллардан олинадиган закот миқдорида бўлишини белгилаб берган. Унга қўшимча

равища ҳайвонларнинг эркак ва урғочиси закот олишда тенг экани келтириб ўтилган. Ушбу ҳукм кейинчалик “ал-Фатово ал-ҳиндия”нинг “Китоб аз-закот” (Закот бўлими)га киритилган.

“Ал-Фиқҳ ан-нофе” асари ўзига хос услуг ва қўринишда ёзилган. Бу ўзига хослик асарнинг таркибий тузилиши, мавзулар қўлами, ибораларнинг қўлланиш ўрни, оят ва ҳадислар, саҳобалар сўзи ва қиёсдан далил сифатида фойдаланиш қўринишлари, айрим масалаларда аҳли сунна вал жамоанинг тўрт мазҳабга оид карашларининг қиёсий таҳлилида намоён бўлади.

Муаллиф асарда фиқҳий масалаларни қисқа иборалар билан ўқувчига тушунарли шаклда, узундан узок изоҳларсиз баён этади. Натижада, ўқувчидаги мавзуни осон ва тез эслаб қолиш имконияти пайдо бўлади. Бу Самарқандийнинг асарни ёзишдан кўзлаган мақсад ҳамда методи ҳисобланади. Китоб муқаддимасида: “Мендан инсонларга фойдали бўлиши учун фикҳ (илми)да бир китоб ёзишимни илтимос қилишди. Шунда фикҳ илмига оид манфаатли мухтасар бир китоб таълиф этдим. Унинг масалалари ўрганувчиларга аниқ, тушунарли бўлишини, мураккаб иборалардан холи, ғайритабиий сўзлардан узок ҳамда содда тилда баён этишни мақсад қилдим”, – деб қайд этилган (Носируддин Самарқандий, 2000:69–70).

Асардаги мавзулар XI–XII асрларда ёзилган ушбу жанрдаги бошқа асарлардан фарқ қиласи. Жумладан, “ал-Фиқҳ ан-нофе” асарини муаллифга замондош фақих Алоуддин Самарқандийнинг “Тухфат ал-фуқаҳо” асари билан қиёслаганда, улар ўртасида бўлим, боб ва фаслларнинг умумий сони, мавзулар номланиши ва баён этилган масалалар ўртасида фарқлар мавжудлиги аниқланди. Масалан, “Тухфат ал-фуқаҳо” асари 50 та бўлим, катта-кичик 102 та боб ва фасллардан таркиб топган бўлса, “ал-Фиқҳ ан-нофе” асари эса 64 та бўлим, катта-кичик 146 та боб ва фасллардан иборат. Шунингдек, “Мухтасар ал-Қудурий” асари – 65 та бўлим, “Бадое ас-саное фи тартиб аш-шарое” асари – 65 та бўлим ҳамда “Ҳидоя” асари эса – 56 та бўлимдан иборат бўлиб (18-иловага қаранг), мазкур асарларнинг “ал-Фиқҳ ан-нофе” асари билан мавзулар сони ва номланиши борасида баъзи фарқлари кўзга ташланади. Ибодат масалалари, асосан, таҳорат, намоз, закот, рўза ва ҳаж бўлимларидан ташкил топган бўлиб, фақат, “Тухфат ал-фуқаҳо” асарида “Жаноза” бўлими ҳамда “Бадое ас-саное фи

тартиб аш-шарое” асарида “Эътикоф” бўлими алоҳида бўлим сифатида келтирилган.

“Ал-Фиқҳ ан-нофе” асарида бўлим ва боблар сони бошқа фикҳий фикҳий матнларга қараганда кўпроқни ташкил этиши муаллиф яшаган даврда айрим масалалар долзарб ахамият касб этгани сабаб бўлган. Жумладан, никоҳ, талоқ, рожъий талоқ, хулуъ, зихор, идда, нафақалар каби масалалар алоҳида бўлимга ажратилиб, баён этилган. Шунингдек, бошқа китоблардан фарқли равишда, “ал-Фиқҳ ан-нофе” асарида истехсон, мусоқот, жиноятлар, хун тўлаш, фароиз (мерос) каби масалалар алоҳида бўлимга ажратилган.

Мусанниф асарида масалаларни Қуръон оятлари ва ҳадислардаги далилларга суюнган ҳолда келтиради. Шу сабабли кўп мавзууларга оид масалаларда оят ва ҳадисларни қиска кўринишида учратиш мумкин. Айтиб ўтиш керакки, Самарқандий “ал-Фиқҳ ан-нофе” асарида Қуръоннинг 167 та оятидан, 311 та ўринда истифода этган. Қуръон суралари орасида энг кўп ўринларда “Бақара” сурасига мурожаат қилинган бўлиб, ушбу суранинг 41 та оятидан шаръий далиллар келтирилган. Айниқса, “Бақара” сурасининг 196-ояти 10 та ўринда далил сифатида учрайди. Кейинги ўринда эса, “Нисо”, “Моида”, “Тавба”, “Наҳл”, “Нур” каби сураларнинг ҳукмий оятларидан кенг истифода этилган.

Шу билан бирга, айрим мавзууларга далил сифатида оятлар кўп келтириб ўтилган бўлса, баъзи масалаларда битта ҳам оят келтирилмаган. Жумладан, “Тахорат”, “Ҳаж”, “Никоҳ”, “Идда”, “Нафақалар”, “Қасамлар”, “Ҳаракатлар”, “Ов ва бўғизлаш”, “Гувоҳлик” ҳақидаги бўлимларда ўндан ортиқ оятлардан далил келтириб ўтилган бўлса, “Қул озод қилиш”, “Топиб олинган нарсалар”, “Йўқолган нарсалар”, “Омонат”, “Омонатга олиш”, “Қурбонлик”, “Тўлов”, “Ижаралар”, “Даъво”, “Пул айирбошлиш”, “Ер ижараси”, “Товон тўлаш” каби бўлимларда бирорта ҳам оят келтирилмаган. Муаллиф баъзи ўринларда келтирган қиёсий масалаларда Шофеий мазҳаби далил сифатида суюнган оятларни ҳам айтиб ўтади. Масалан, “Ов ва бўғизлаш ҳақидаги бўлим”да Шофеий мазҳабининг далили сифатида “Моида” сурасининг 3-ояти келтирилган. Шунингдек, асарнинг деярли барча мавзууларни далиллашда ҳадисларга ҳам мурожаат этилган.

Носируддин Самарқандий фикҳий масалаларни Ҳанафий мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифа Нўмон ибн Собит (ваф. 767) ҳамда

унинг шогирдлари: Абу Юсуф (ваф. 798), Имом Мухаммад (ваф. 189/805 й.) ва Имом Зуфар (ваф. 775)нинг сўзларига таянган ҳолда баён этади. Мазҳаб имомларининг айрим масалалардаги фарқли фикрлари юзага келган ўринда Самарқандий кўпроқ Абу Ҳанифанинг сўзига таянади. Бу муаллифни бошқа факихлардан ажратиб турувчи хусусият саналади. Шунингдек, олим ўзининг ижтиходини қўллаб-куватлаш мақсадида айрим ўринларда саҳобаларнинг шу мавзу юзасидан айтган фикрларини келтиради. “Ал-Фиқҳ ан-нофе” асарида масалаларни баён этишда ўзига хос иборалар қўлланилган бўлиб, маълум олим ёки асарга ишора қиласди. Жумладан, ﻋِنْدَنَا – “индано” (Бизнинг наздимизда) ва لَّا – “лан” (Бизнинг фикримизга кўра) ибораси Имом Сарахсий ва унинг “Мабсут” асарига, ﻓَلَا – “қола” (Иккаласи айтади) ибораси мазҳаббошилар Абу Юсуф ва Имом Мухаммаднинг сўзига, ﻋِنْدَ أَبِي حَيْيَةَ – “инда Аби Ҳанифа” (Абу Ҳанифа наздиги) ибораси Ҳанафий мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифа Нўмон ибн Собитнинг сўзига, ﻋِنْدَ أَبِي حَيْيَةَ وَأَبِي يُوسُفَ وَمُحَمَّدَ – “инда Аби Ҳанифа ва Аби Юсуф ва Мухаммад” (Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Имом Мухаммад наздиги) ибораси мазҳаббошилар Абу Ҳанифа ва унинг шогирдлари Абу Юсуф ҳамда Имом Мухаммаднинг бир масала юзасидан айтган бир хил қарашларига, ﻋِنْدَ أَبِي حَيْيَةَ وَأَبِي يُوسُفَ وَمُحَمَّدَ – “инда Аби Ҳанифа ва Аби Юсуф” (Абу Ҳанифа ва Абу Юсуф наздиги) ибораси мазҳаббошилар Абу Ҳанифа ва унинг шогирди Абу Юсуфнинг бир масала юзасидан айтган бир хил фикрларига, ﻋِنْدَ أَبِي حَيْيَةَ وَمُحَمَّدَ – “инда Аби Ҳанифа ва Мухаммад” (Абу Ҳанифа ва Мухаммад наздиги) ибораси мазҳаббошилар Абу Ҳанифа ва шогирди Мухаммаднинг бир масала юзасидан айтган бир хил сўзига, ﻋِنْدَ أَبِي حَيْيَةَ وَمُحَمَّدَ – “инда Аби Ҳанифа ва Мухаммад” (Абу Ҳанифа ва Мухаммад наздиги) ибораси Абу Юсуф ва Имом Мухаммаднинг бир масала юзасидан яқдил қарашларига, ﻋِنْدَ أَبِي حَيْيَةَ وَزُفْرَ – “инда Аби Юсуф ва Зуфар” (Абу Юсуф ва Зуфар наздиги) ибораси Абу Юсуф ва Имом Зуфарнинг бир хил фикрларига, ﻋِنْدَ أَبِي حَيْيَةَ وَمُحَمَّدَ – “инда Аби Юсуф” (Абу Юсуф наздиги) ибораси Абу Юсуфнинг ўз қарашига, ﻋِنْدَ مُحَمَّدَ – “инда Мухаммад” (Мухаммад наздиги) ибораси Имом Мухаммад билдирган фикрга, ﻋِنْدَ زُفْرَ – “инда Зуфар” (Зуфар

наздида) ибораси Абу Ҳанифанинг шогирди Имом Зуфарнинг маълум масалалар бўйича айтган ўз қарашига, – عِنْدَ الشَّافِعِي – “инда Шофеий” (Шофеий наздида) ибораси Шофеий мазҳаби асосчиси Имом Шофеийнинг сўзига, فَقَهَؤُنَا بِسْمِرْقَنْدِ يَقْتُونْ – “Фа фуқаҳоуна би Самарқанд яфтууна” (Самарқанддаги фақиҳларимиз фатво чикаради) ибораси самарқандлик фақиҳлар фатволарига, عَلَمَوْنَا – “инда уламоуна” (Уламоларимиз наздида) ибораси эса ҳанафий фақиҳларининг сўзларига ишора қиласи (Носируддин Самарқандий, 2000: 759).

“Ал-Фиқҳ ан-нофе” асарининг ўзига хос жиҳатларидан яна бири асарнинг кўп ўринларида Шофеий мазҳаби билан ҳанафий мазҳабининг, баъзи ўринларда эса, Моликий мазҳаби билан ҳанафий мазҳабининг бир мавзуга оид қарашлари ва мазҳаб уламолари далиллари қиёсан келтириб ўтилишидир. Жумладан, таҳорат олишдан олдин ният қилиш борасида Самарқандий “мустахаб амал” деб айтса, ундан сўнг Шофеий мазҳабида “Таҳорат олишдан олдин ният қилиш фарз” деган ҳукми келтириб ўтилган. Бу ўринда Самарқандий ўз ҳукмига “Таҳоратсиз намоз йўқ” ҳадисини далил қилиб, Шофеий мазҳабида “Амаллар ниятга кўра” ҳадиси далил бўлганини айтади. Фусл бобида Самарқандий жума намози, икки ҳайит намози ва ҳажда эҳром боғлаш учун ғусл қилиш “суннат амал” деб айтади. Имом Молик эса, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг: “Ким жума намозига катнашса, ғусл қиссин”, деган сўзига суюнган ҳолда жума намози учун ғусл қилишни “вожиб амал”, деб таъкидлайди (Носируддин Самарқандий, 2000: 96-97).

Баъзи ўринларда эса, Ҳанбалий ва Моликий мазҳабига оид ҳукмлар ва уларнинг далиллари Ҳанафий ҳукмларига қиёсланади. Бундан Самарқандий ҳанафий мазҳабининг келтирилган масала юзасидан чиқарган ҳукмлари бошқа мазҳаблардан кўра кучлироқ эканини билдиришни мақсад қилган. Қолаверса, бу билан Носируддин Самарқандий нафақат ҳанафий мазҳаби билимдони, балки ахли сунна вал жамоанинг қолган уч мазҳаби фиқҳ илмига оид масалаларни яхши англаб, уларни мазҳаблар ўртасида қиёсий таҳлил қила олган олим сифатида ҳам кўзга ташланади.

Муаллиф айрим масалалар ва унга тегишли ҳукмларни келтириб ўтгандан сўнг, бу масаланинг фазилати ва унга амал қилишида инсонга кела-диган манбаатлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтади.

Жумладан, “Никоҳ бўлими”даги кафоат, яъни, никоҳланувчилар ўртасидаги тенглик масаласи ҳақида: “Кафоат ислом динида эътиборли масалалардан бўлиб, келажакда никоҳнинг мустаҳкам бўлишига ва оиланинг улуғланишига сабаб бўлувчи асосий омиллардан бири”, – деб таъкидлайди (Носируддин Самарқандий, 2000: 523).

“Ал-Фиқҳ ан-нофе” асарида Носируддин Самарқандий ҳанафий фиқҳининг мўътабар манбаларидан фойдаланган ва мазҳаб-бошиларнинг фикрларини келтириш билан киояланган. Хусусан, асарни ёзишда кўп ўринда Имом Сарахсийнинг “ал-Мабсут” асаридан истифода этган. Асарнинг биргина ибодат кисмига тегишли 74 та масалада “ал-Мабсут”дан иктибос келтирилган. Жумладан, “Поклик” бўлимида – 11 та, “Намоз” бўлимида – 30 та, “Закот” бўлимида – 18 та, “Рўза” бўлимида – 1 та ҳамда “Ҳаж” бўлимида – 14 та ўхшаш масалалар мавжуд. “Намоз бўлими”нинг нафл намозлар ҳақидаги фаслида тунги нафл намозларини икки, тўрт, олти ва саккиз ракатдан ўқиш мумкинлиги, саккиз ракатдан кўп ўқиш макруҳ экани, кундузи ўқиладиган нафл намозларини, эса бир салом билан тўрт ракатдан кўп ўқиш ҳам макруҳ экани Абу Ҳанифанинг фикри сифатида келтириб ўтилади. Шунингдек, Имом Шофеийнинг нафл намозларни икки ракатдан ўқиш афзал экани ҳақидаги қарашлари ҳам баён этилади. Ҳанафий уламолар кундузи нафл намозларни тўрт ракатдан, кечаси эса, Шофеий сўзига мувофиқ, икки ракатдан ўқиши лозимлигини таъкидлашган. Бу ҳақида “ал-Мабсут” китобида айтиб ўтилган (Shamsuddin Saraxsiy, 1989: 158-159).

Шу билан бир қаторда, Самарқандий ахли сунна вал жамоанинг бошқа мазҳаб қарашларини баён этишда ўша мазҳабнинг мўътабар манбаларига таянади. Жумладан, шофеий мазҳаби ҳукмларини Имом Шофеийнинг “ал-Умм” ва шофеий мазҳабининг машҳур олими Абу Исҳоқ Шерозий (ваф. 476/1083 й.)нинг “ал-Мазҳаб фи ал-фиқҳ аш-шофеий” китоби асосида келтириб ўтган. Биргина “Никоҳ” китобининг ўзида 8 та масалани баён этишда ушбу асарлардан истифода этилган.

Шунингдек, асарда Самарқандий баъзи масалаларни шарҳлаш жараёнида ўз замонасиning машҳур фақиҳ уламоларининг фикрларини ҳам келтиради. Жумладан, “Нажосатлар ҳақида”ги бобда – قَالَ الْفَقِيهُ أَبُو جعْفَرٍ – “Қола

ал-Фақих Абу Жаъфар” (Фақих Абу Жаъфар айтади) ибораси билан мовароуннарлик фақих олим Мұхаммад ибн Абдуллоҳ ибн Мұхаммад ибн Умар Абу Жаъфар Балхий Ҳиндувоний (ваф. 362/972 й.)нинг “Нажосат дирҳам вазни миқдорида бўлса, тозалаш лозим бўлган нарса саналади”, – деган сўзини келтиради (Носируддин Самарқандий, 2000: 152).

Носируддин Самарқандий “ал-Фиқҳ ан-нофе” асарини Қуръон оятлари, ҳадислар, сахобалар сўзи, киёс, мазҳаб имомларининг қарашларига таянган ҳолда ўз сўзи билан баён этади. Ҳар бир мавзуни далиллар билан ёритиб беришга ҳаракат қиласи. Айрим масалаларда шофеий ва моликий мазҳаби қарашлари ҳамда уларнинг далилларини келтириб, ҳанафий мазҳаби қарашлари билан қиёслайди. Шу нуқтаи назаридан, “ал-Фиқҳ ан-нофе” асари қиёсий фиқҳ борасида ёзилган дастлабки асарлардан бири саналади. Асадаги мазҳаблар ўртасидаги ҳукмларни қиёслаш услубидан буғунги кунда учрайдиган замонавий масалаларни мазҳаблар ўртасидаги қиёслашда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, Носируддин Самарқандийнинг ҳанафий мазҳаби билан бир қаторда, моликий, шофеий мазҳаблари ва уларнинг далилларини яхши билиб, таҳлил қила оладиган олим бўлишига қарамасдан, бир мазҳабга эргашиб, қолган мазҳаб имомларига ҳурматда бўлгани, буғунги кунда мазҳабни инкор килувчи ёки бемазҳабларга раддия бўлади.

Бу борада “ал-Фиқҳ ан-нофе” асарининг мавжуд қўлёзма нусхаларини аниқлаш ва уларнинг манбашунослик таҳлилини амалга ошириш замонавий исломшунос ва манбашунос олимларнинг вазифаларидан бири бўлиб, қўлёзмаларни тадқиқ этиш орқали асарнинг тўлиқ матни ва мазмунини аниқлаш ҳамда уни кенг жамоатчиликка етказиш мумкин бўлади.

## НАТИЖА

“Ал-Фиқҳ ан-нофе” асарининг 37 та қўлёзма нусхаси жаҳоннинг машҳур кутубхона ва фонdlарида сакланади. Жумладан, Ирландия, Германия, Туркия, Саудия Арабистони, БАА, Ироқ, Сурия, Миср, Тунис каби давлатларда асарнинг ноёб қўлёзма нусхалари мавжуд (11-иловага қаранг). Бирлашган Араб Амрликларида “Жума ал-мажид” маркази фондида Носируддин Самарқандий асарларининг 30 та

кўлёзмалари электрон нусхаси мавжуд бўлиб, улардан 27 таси “ал-Фиқҳ ан-нофе” асари нусхаларидан иборат. “ал-Фиқҳ ан-нофе” асари қўлёзма нусхаларининг аксарияти тўлиқ ҳолатда, чиройли кўринишда сакланган бўлиб, асосан, XIII–XIV асарларда ёзилган қўлёзма нусхалари саналади. Асарнинг номи унинг қўлёзма нусхаларида “Китоб ан-нофе”, “Китоб ан-нофе фи ал-фиқҳ” ва “ан-Нофе” каби номлар билан ёзилган бўлишига қарамасдан, унинг “ал-Фиқҳ ан-нофе” деб номланган исми кенг тарқалган. Асарнинг қўлёзма нусхаларида ҳам юқорида айтиб ўтилганидек, умумий тузилиши 64 та китоб (бўлим), 146 та катта-кичик боб ва фасллардан иборат бўлиб, деярли барчасида улар бир хилда номланган. Асар “Китоб ат-таҳорат” (Поклик бўлими)дан бошланиб, “Китоб ал-хунасо” (Хунаса ҳакида бўлим) билан якунланган. Айрим қўлёзмаларда асар “Китоб ал-фароиз” (Мерос ҳакида бўлим) ёки “Китоб ал-васоё” (Васиятлар бўлими) билан тамомланган. Қўлёзмаларда ушбу бўлим, боб ва фасллар алоҳида қилиб ажратилган. Бу алоҳидалик мавзуларнинг матнга нисбатан каттароқ ҳарфлар билан ёзилиши ва ўша ҳарфларни қора ёки қизил ранглар билан белгиланишида намоён бўлади. Айрим қўлёзмаларгина пойгиранган.

Шунингдек, қўлёзмаларнинг асосий хусусиятларидан яна бири аксарият нусхаларнинг боши ёки охирги саҳифаларида асарнинг мундарижаси келтириб ўтилган.

Қўлёзма нусхаларидан айримлари 75 варақдан иборат қисмигина сакланиб қолган бўлса, баъзиларида 198 ёки 244 варақдан иборат. Сатр (қатор)лар сони ҳам баъзи нусхаларда энг кам 7-9 та сатрдан иборат бўлиб, айримларида 22 та сатрда ёзилган.

Манбаларнинг боши ва охирги вараклари сакланиб қолган нусхаларидан асарни кўчирган муаллифнинг исми шарифи ва кўчирган санасини учратиш мумкин. Аммо тўлиқ сакланиб қолмаган қўлёзмаларда уларни кўчирган хаттот ва унинг кўчирилган санаси номаълум.

“Ал-Фиқҳ ан-нофе” асари қўлёзма нусхаларининг дунё бўйлаб кенг тарқалган ҳамда фонdlарнинг ноёб қўлёзмалари қаторига киритилган. Айниқса, Германия, Ирландия ва Туркияда сакланаётган қўлёзмалар ҳолати ва қадимийлиги билан алоҳида зикр этилган. “Ал-Фиқҳ ан-нофе” асари қўлёзма нусхаларининг

сақланиб қолған нұсхалари сони ўша даврда ёзилған манбаларнинг сақланиб қолған сонига нисбатан күпроқ эканини инобат олиб айтиш мүмкінки, асар нафақат ўз даврида, балки кейинги асрларда ҳам ҳанафий уламолари томонидан мұйтабар фикхий манба сифатида кенг фойдаланилған. Шу билан бирга, мазкур асарға ҳанафий XII-XIV асрлар мобайнида уламолари томонидан 11 та шарх вә изохлар ёзилған.

“Ал-Фикх ан-нофе” асарининг бугунги кундаги аҳамиятли жиҳатларидан бири асарда келтирилған масалаларни баён этишда, ҳанафий мазҳаби имомларининг сүз ва далилларини келтириш билан бирга баъзи масалалар юзасидан аҳли сунна вал жамоанинг бошқа мазҳаб имомларининг ҳам сүз ва далилларини келтириб, уларни ҳанафий фикхи қарашлари билан қиёсий таҳлили амалга оширилганида намоён бўлади. Айниқса, асарда Шофеий мазҳабига оид ҳукмлар қиёс қилингандар кўп учратиш мумкин. Айрим ўринда эса, моликий мазҳаби асосчиси Имом Моликнинг қарашлари ҳам, ҳанафий фикҳи ҳукмларига қиёсий таҳлил асосида баён этилгани кўзга ташланади.

Мазҳаблар ўртасидаги маълум бир масалалар бўйича ўхшаш ва фарқли жиҳатлар асарнинг ибодат масалаларига доир кисмида келтирилади. Бу эса, бугунги кундаги мавжуд ибодат масалаларига доир ихтилофларни батараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

“Ал-Фикх ан-нофе” асарининг “Ибодат” қисми: “Поклик”, “Намоз”, “Рўза”, “Закот” ва “Ҳаж” бўлимларидан иборат бўлиб, “Поклик бўлими”да, дастлаб, таҳоратда фарз, суннат, мустаҳаб бўлган амаллар, гусл қилиш ҳамда покланишда ишлатиш мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган сувлар баён этилган. Шунингдек, мазкур бўлимда таҳоратни бузадиган амаллар, таяммум, маҳсига масҳ тортиш, ҳайз, нифос ва нажосат (нопок) бўлган нарсалар ҳақидаги боб ва фасллар ҳам келтириб ўтилган.

### ХУЛОСА

Носируддин Самарқандийнинг Мовароуннахр илмий муҳитидаги ўрнини белгилаш жараённанда унинг ҳаёти ва илмий фаолиятига оид маълумотлар жамланиб, тизимли тартибланди. Тадқиқот натижасига кўра, Абулқосим Носируддин Мухаммад ибн Юсуф Ҳасаний (ёки Ҳусайн) Мадиний Самарқандий Ҳанафий

Самарқандда яшаб, 556/1161 йилда ўша ерда вафот этган. Шунингдек, 535/1141-543/1148 йиллар мобайнида Марв, Макка, Мадина ва Бағдод шаҳарларига илмий сафар килиб, у ердаги олимлардан таҳсил олиши натижасида ислом илмларини мукаммал эгаллагани ўз даври ва кейинги аср уламоларининг эътирофлари асосида исботланди. Носируддин Самарқандий ўзининг илмий фаолиятида фикҳ илмига алоҳида этибор қаратгани, 543/1148 йилда Самарқандга қайтиб, умрининг охирига қадар шогирдларга ҳанафий фикҳи бўйича таълим беруб, соҳага доир китоблар ёзиш билан машғул бўлгани очиб берилди.

Носируддин Самарқандий асарларининг илмий таҳлили натижасида, олимнинг Қуръон илмлари (1 та), калом (1 та), фикҳ (11 та), тасаввуф (1 та), луғат (1 та), ваъз (1 та) ва тарих (1 та) каби илм соҳаларига оид жами 17 та асар ёзгани кўрсатиб берилган. Фикҳ илмига оид асарлари орасида “ал-Мабсут”, “ал-Маншур”, “ал-Қонун”, “ал-Воғий”, “Хулюсат ал-муфтий”, “Масобих ас-субул”, “ал-Фикҳ ан-нофе” асарлари “фуру ал-фикҳ” йўналишида, “Жоме ал-фатово”, “ал-Мултакат фи ал-фатово” асарлари “фатво” жанрида ҳамда 1 та “усул ал-фикҳ” илмига доир экани очиб берилди. Носируддин Самарқандийнинг илмий мероси турли хил йўналишларга оид бўлиб, ўз давридаги диний-ижтимоий масалаларга ечим беришда муҳим аҳамият касб этган.

“Ал-Фикҳ ан-нофе” асарининг ёзилиш услуби, ўзига хос жиҳатларини очиб бериш юзасидан олиб борилган тадқиқот хуласасига кўра, мазкур асар Самарқандий вафотидан олдин – 1160 йилда, муҳтасар матн услубида ёзилган. Ундаги фикҳий масалалар Абу Ҳанифа, Абу Юсуф, Имом Муҳаммад ва Имом Зуфар каби ҳанафий уламоларининг сўзларига таянган ҳолда баён этилган. Самарқандий асарни ёзишда 167 та Қуръон оятидан 311 та ўринда фойдалангани, ҳар бир масалада ишонарли ҳадислардан далил келтириб ўтган. Олим “ал-Фикҳ ан-нофе” асарида Алоуддин Самарқандийнинг “Тухфат ал-фуқаҳо”, Шамсуддин Сарахсийнинг “ал-Мабсут”, Имом Қудурийнинг “Муҳтасар ал-Қудурий” каби ҳанафий фикҳининг мўйтабар китобларидан истифода этган. Шофеий мазҳаби ҳукмларини баён этишда Имом Шофеийнинг “ал-Умм” ва Абу Исҳоқ Шерозийнинг “ал-Мазҳаб фи ал-фикҳ аш-Шофеий” каби асаридан фойдаланган.

**МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Мұхаммад Абдулхай Лакнавий. (1998). ал-Фавоид ал-Баҳиyya. Байрут: Дорул Алқам.
2. Аминов X., Примов С. (2017). Ҳанафий фикхи тарихи, истилоҳлари ва манбалари. Тошкент: Мовароуннахр.
3. Бағдодий. (2008). Изоҳ ал-макнун. Байрут: Дор ал-иҳё ат-турос ал-арабий.
4. Ҳалифа, X. (2008). Кашфуз зунун ан асомия ал-кутуб вал фунун. Байрут: Дор ал-иҳё ат-турос ал-арабий.
5. Косоний А.Б. (1997). Бадоиъ ас-санайъ фи тартиб аш-шароиъ (Вол. 7). Байрут: Дор кутуб ал-илмий.
6. Асророва Л. (2014). Абу Ҳафс Қабир Бухорий ва ҳанафий фикхи. Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти.
7. Begzod Muxtorov. (2019) “Codicological analysis of manuscripts of work “al-fiqh an-nofe””, The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 4, Article 11.
8. Begzod Muxtorov. (2019) “The Book of Nasiruddin Samarkand’s “Riyadh ul-ahloq” – as a important sourcye on upbringing morality,” The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 2, Article 18.
9. Насафий. (2011). ал-Мустасфо. Риёд: Уммул қуро.
10. Паздавий А.Й. (2005). Усул ад-Дин. Қохира: Мактаба ал-азҳария лит-Турс.
11. Самарқандий Н. (1333). Китоб ал-фикҳ ан-нофеъ шарҳ аъла ал-Қудурий. Мадина.
12. Самарқандий Н. (1372). ал-Фикҳ ан-нофеъ. Тошкент.
13. Самарқандий Н. (1562). Риёзат ал-ахлоқ. Риёд.
14. Самарқандий Н. (1738). Китоб жомеъ ал-фатаво. Риёд.
15. Самарқандий Н. (2000). ал-Фикҳ ан-нофеъ. Риёд: Мактабат ал-абикон.
16. Самарқандий Н. (2000). ал-Мултакот. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмий.
17. Самарқандий Н. (2006). Риёзат ал-ахлоқ. Дамашк.
18. Самарқандий Н. (ХИВ). ал-Фикҳ ан-нофеъ. Тошкент.
19. Сарахсий А. Б. (1957). Усул (Вол. 1). (А. В. Афғоний, Эд.) Ҳайдаробод: Дор ал-маъориф ан-Нўмония.
20. Сезгин Ф. (1991). Тарих ат-турос ал-арабий (Вол. 3). ар-Риёд: Мұхаммад ибн Сауд университети нашриёти.
21. Субкий Т. (1964). Табақот аш-шофиъийя ал-кубро (Вол. 3). Байрут: Дор иҳё ал-кутуб ал-арабий.
22. Судуний. (1992). Тож ат-тарожим. Байрут: Дор ал-қалам.
23. Юсупов О. (2011). Ислом маърифатида дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлиги. Тошкент: Тошкент ислом университети.
24. Зириклий X. (1665). ал-Аълам. Байрут: Дор ал-ilm ал-мұлайн.
3. Baghdadi. (2008). Idah al-maknun. Bayrut: Dar al-ihyaat-turos al-arabiy.
4. Khalifa X. (2008). Kashfuz zunun an asami al-kutub wal funun. Bayrut: Dar al-ihya at-turath al-arabi.
5. Kasani A.B. (1997). Badai’ as-sanai’ fi tartib ash-shara’ (Vol. 7). Beirut: Dar kutub al-ilmiyya.
6. Asrorova L. (2014). Abu Hafs Kabir Buxoriy va hanafiy fiqh. Tashkent: "Toshkent islam universiteti" publioshing house.
7. Begzod Muxtorov. (2019) “Codicological analysis of manuscripts of work “al-fiqh an-nofe””, The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 4, Article 11.
8. Begzod Muxtorov. (2019) “The Book of Nasiruddin Samarkand’s “Riyadh ul-ahloq” – as a important sourcye on upbringing morality,” The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 2, Article 18.
9. Nasafi. (2011). al-Mustasfa. ar-Riyadh: Ummul qura.
10. Bazdawi A.Y. (2005). Usul ad-Din. Caior: Maktaba al-azhariya lit-Turath.
11. Samarqandi N. (1333). Kitob al-fiqh an-nafi’ sharh a’la al-Quduri. Medina.
12. Samarqandi N. (1372). al-Fiqh an-nafi’. Tashkent.
13. Samarqandi N. (1562). Riyazat al-akhlaq. Ar-Riyadh.
14. Samarqandi N. (1738). Kitab jami’ al-fatawa. Ar-Riyadh.
15. Samarqandi N. (2000). al-Fiqh an-nafi’. Ar-Riyadh: Maktabat al-abikon.
16. Samarqandi N. (2000). al-Multaqat. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiyya.
17. Samarqandi N. (2006). Riyazat al-akhlaq. Damascus.
18. Samarqandi N. (XIV). al-Fiqh an-nofe’. Tashkent.
19. Sarakhsii A.B. (1957). Usul (Vol. 1). (A. V. Afghoniy, Ed.) Haydarabad: Dar al-ma’arif an-Numaniya.
20. Sezgin F. (1991). Tarikh at-turath al-arabi (Vol. 3). Ar-Riyadh: Muhammad ibn Saud universiteti nashriyoti.
21. Subki T. (1964). Tabaqot ash-shfsi’yya al-kubrs (Vol. 3). Beirut: Dar ihya al-kutub al-arabi.
22. Suduni. (1992). Toj at-tarojim. Beirut: Dar al-qalam.
23. Yusupov O. (2011). Islom ma’rifatida dunyoviy va diniy qadriyatlar uyg‘unligi. Tashkent: Toshkent islam universiteti.
24. Zirikli Kh. (1665). al-A’lam. Beirut: Dar al-ilm al-mulayin.

**REFERENCES**

1. Muhammad Abdulhay Laknaviy. (1998). al-Fawaid al-Bahiyya. Beirut: Darul Alqam.
2. Aminov H., Primov S. (2017). Hanafiy fiqh tarikhi, istiloohlari va manbalari. Tashkent: Movarounnahr.

